



БОШЛАНҒИЧ САРФ
ДАРСЛИГИ



КАЛИМА, ВАЗН

- ❖ Ўзидан бирор маъно англатган сўзга араб тилида **калима** дейилади. Араб калималари уч қисмдан иборат:
Исм: رَجُلٌ каби. Феъл: ضَرَبَ каби. Ҳарф: مِنْ ва عَنْ каби
- ❖ **Исм** ўзи уч қисмдир:
Сулосий (уч ҳарфли): زَيْدٌ каби. **Рубоъий** (тўрт ҳарфли): جَعْفَرٌ каби. **Хумосий** (беш ҳарфли): سَفَرَجٌ каби.
- ❖ **Феъл** икки қисмдир: **Сулосий** (уч ҳарфли): ضَرَبَ каби. **Рубоъий** (тўрт ҳарфли): نَحَرَجَ каби.
- ❖ **Ҳарф** икки қисм бўлиб, ҳарфи аслий (ўзак ҳарфи) ва ҳарфи зоида (қўшимча ҳарф)дан иборат. Араб тилида аслий ва зоида ҳарфлар орасини ажратиш учун махсус ўлчов - - **вазн** қабул қилинган. Араб калималарининг мезони ف ع ل (фо, айн, лом)дир.
- ❖ **Ҳарфи** аслий деб вазнда ف ع ل нинг рўбарўсида бўлган ҳарфларга айтилади. Масалан: ضَرَبَ → فَعَلَ вазнида бўлиб, барча ҳарфлари аслийдир. **Ҳарфи зоида** ف ع ل нинг рўбарўсида бўлмаган ҳарфлардир. Масалан: أَكْرَمَ → أَفْعَلَ вазнида бўлиб, бундаги ا ҳарфи зоидадир.
- ❖ Ҳарфи аслий сулосийларда учта: ف ع ل (фо, айн, лом).
рубоъийларда тўртта: ف ع ل ل (фо, айн ва иккита лом).
хумосийларда бешта: ف ع ل ل ل (фо, айн ва учта лом).
- ❖ Сулосий икки қисмдир: сулосий мужаррад ва сулосий мазид.

Сулосий мужаррада учта аслий ҳарф устига зоида ҳарф қўшилмаган бўлади. Масалан: ضرب → فعل вазнида.

Сулосий мазидда учта аслий ҳарф устига зоида ҳарф қўшилган бўлади. Масалан: أَكْرَمَ → أَفْعَلَ вазнида.

- ❖ Рубоъий ҳам икки қисмдир: рубоъий мужаррад ва рубоъий мазид.

Рубоъий мужаррада тўртта аслий ҳарф устига зоида ҳарф қўшилмаган бўлади. Масалан: دَخَرَاجَ → فَعَّلَ вазнида.

- ❖ **Рубоъий мазидда** тўртта аслий ҳарф устига зоида ҳарф қўшилган бўлади. Масалан: تَدَخَرَاجَ → تَفَعَّلَ вазнида.

- ❖ Хумосий ҳам икки қисмдир: хумосий мужаррад ва хумосий мазид.

Хумосий мужаррада бешта аслий ҳарф устига зоида ҳарф қўшилмаган бўлади. Масалан: جَحْمَرَشْ → فَعَّلِلَ вазнида.

Хумосий мазидда бешта аслий ҳарф устига зоида ҳарф қўшилган бўлади. Масалан: خَنْدَرَيْسْ → فَعَّلِيلَ вазнида.

И С М ва Ф Е Ё Л Т У Р Л А Р И

Исм ва феъллар ушбу етти турдан бирига мансуб бўлади: саҳиҳ, музоъаф, мисол, ажваф, ноқис, лафиф, мултавий.

- ❖ **Саҳиҳ** (соғ) аслий ҳарфларидан бирортаси иллат ҳарфи бўлмаган ва иккита ҳарфи бир хил бўлмаган исм ё феълдир. Масалан: ضَرَبُ → فَعْلٌ вазнида, ضَرَبَ → فَعَلَ вазнида.
- ❖ **Иллат ҳарфлари** учта: و ا ي (вов, алиф, ё).
- ❖ Агар калиманинг ف (фо)си ўрнида ҳамза бўлса **маҳмузул фо** (фоси ҳамзали) дейилади. Масалан: أَبَرَ → فَعَلَ вазнида.
- ❖ Агар ҳамза ع (айн)нинг ўрнида бўлса **маҳмузул айн** (айни ҳамзали) дейилади. Масалан: بَارَ → فَعَلَ вазнида.
- ❖ Агар ҳамза ل (лом)нинг ўрнида бўлса **маҳмузул лом** (ломи ҳамзали) дейилади. Масалан: بَرَأَ → فَعَلَ вазнида.
- ❖ **Музоъаф** (иккиланган) икки қисмдир: сулосий музоъаф ва рубоъий музоъафеъли

Сулосий музоъафларда ع (айн) ва ل (лом) ўрнида икки бир хил ҳарф бўлади. Масалан: فَرَّ - аслида فَرَّرَ → فَعَلَ вазнида.

Рубоъий музоъафларда ف (фо) ва биринчи ل (лом)нинг ҳамда ع (айн) ва иккинчи ل (лом)нинг ўрнида икки бир хил ҳарф бўлади. Масалан: صَرَّصَرَ → فَعَّلَ вазнида.

- ❖ Калиманинг ف (фо)си ўрнида иллат ҳарфи бўлса **мисол** (саҳиҳга ўхшаш) дейилади. Масалан: وَعَدَّ ва وَعَدَ → فَعَّلَ ва فَعَلَ вазнида.
- ❖ Калиманинг ع (айн)и ўрнида иллат ҳарфи бўлса **ажваф** (ғовак) дейилади. Масалан: قَوْلٌ ва قَوْلٍ → فَعَّلَ ва فَعَلَ вазнида.
- ❖ Калиманинг ل (лом)и ўрнида иллат ҳарфи бўлса **ноқис** (қисқа) дейилади. Масалан: رَمَى ва رَمَيْ → فَعَّلَ ва فَعَلَ вазнида.
- ❖ Калиманинг ع (айн) ва ل (лом)и ўрнида иллат ҳарфи бўлса **лафиф** (ёпишган) дейилади. Масалан: قُوِيَ ва قُوِي → فَعَّلَ ва فَعَلَ вазнида.
- ❖ Калиманинг ف (фо) ва ل (лом)и ўрнида иллат ҳарфи бўлса **мултавий** (ўралган) дейилади. Масалан: وَشِيَّ ва وَشِيَ → فَعَّلَ ва فَعَلَ вазнида.

И Ш Т И Қ О Қ, Ж О М И Д ва М А С Д А Р исмлар

- ❖ Бир калимадан асли маънода унга яқин бўлган хилма-хил сўзларни яшашга **иштиқоқ** дейилади. Масалан: مكتوب , كاتب , كتابه , مكتوب , كَتَبَ , كَتَبَ , كَتَبَ каби сўзларни яшаш мумкин.
- ❖ Ундан бирор калима иштиқоқ қилинмайдиган исмга **жомид** исм дейилади. فَرَسٌ ва رَجُلٌ каби.
- ❖ **Масдар** иш-ҳаракат маъносини англатган исмдир. Ўзбек тилида иш-ҳаракат номлари «моқ» ёки «иш» қўшимчалари биан тугалланади: ёзмоқ, ўтириш каби.
- ❖ Ясама сўзлар асосан масдардан иштиқоқ қилинади. Араб тилида ҳар бир масдардан асосан қуйидаги сийға (шакл)лар иштиқоқ қилинади:

Феъли мозий - ўтган замон феъли.

Феъли музореъ - ҳозирги-келаси замон феъли.

Исми фоил - иш-ҳаракатни бажарувчи шахс ёки нарса.

Исми мафъул - иш-ҳаракат унинг устига тушган шахс ёки нарса.

Феъли жаҳд - ўтган замон бўлишсиз феъли.

Феъли нафий - ҳозирги-келаси замон бўлишсиз феъли.

Феъли амр - буйруқ феъли. (амр ҳозир - тингловчига, амр ғоиб - ўзгага буйруқ)

Феъли наҳий - таъқиқлаш феъли.

Исми замон - иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақти.

Исми макон - иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни.

Исми олат - иш-ҳаракат у билан бажариладиган асбоб.

Исми тафзил - қиёсий (орттирма) сифат.

ضَرْبٌ - «урмоқ» масдаридан иштиқоқ қилинган

сийғалар:

ضَرَبَ - феъли мозий, маъноси - урди бир эркак.

يَضْرِبُ - феъли музореъ, маъноси - уради (уряпти) бир эркак.

ضَارِبٌ - исми фоил, маъноси - урувчи бир эркак.

مَضْرُوبٌ - исми мафъул, маъноси - урилувчи бир эркак.

لَمْ يَضْرِبْ - феъли жаҳд, маъноси - урмади бир эркак.

لَا يَضْرِبُ - феъли нафий, маъноси - урмайди (урмаяпти) бир эркак.

اِضْرَبْ - амри ҳозир (ломсиз), маъноси - ургин сен бир эркак.

لِيَضْرِبَ - амри ғоиб (ломли), маъноси - урсин бир эркак.

لَا تُضْرِبْ - феъли наҳий, маъноси - урмагин сен бир эркак.

مَضْرِبٌ - исми замон ва макон, маъноси - урадиган вақт ва жой.

مِضْرَابٌ - исми олат, маъноси - урадиган асбоб.

أَضْرَبَ - исми тафзил, маъноси - урувчироқ бир эркак.

Ф Е Ё Л

- ❖ **Феъл** - иш-ҳаракатни, унинг қилинган замонини ва фоилини (қилувчи шахсни) англатган калимадир. Иш-ҳаракатнинг бажарувчиси аниқ бўлиш-бўлмаслиги эътибори билан феъл иккига - **маълум** ва **мажҳулга** бўлинади. Маълум феълнинг фоили муфрад, тасния, жамъ шаклида келиши, шунингдек мутакаллим, мухотаб ва ғоиб бўлиши, музаккар ва муаннас жинсида бўлиши мумкин. Муфрад - бирлик, тасния - иккилик, жамъ - кўплик шакллари дир. Мутакаллим – сўзловчи (1-шахс - мен, биз), мухотаб – тингловчи (2-шахс - сен, сиз), ғоиб – ўзга (3-шахс - у, улар)ни англатади. Музаккар - эркак жинси, муаннас - аёл жинсидир.

Маълум феъли мозий

- ❖ Иш-ҳаракатнинг сўз айтилган замондан илгари бажарилганини англатган калима **феъли мозий** - ўтган замон феъли деб аталади. Маълум феъли мозий иш-ҳаракатни бажарувчи шахсларига кўра 14 суратда - 6 ғоиб, 6 мухотаб ва 2 мутакаллим сийғасида тусланади.

6 ғоибнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

ضَرَبَ - урди бир эр ўтган замонда, муфрад, музаккар, ғоиб, маълум феъли мозий.

ضَرَبَا - урди икки эр ўтган замонда, тасния, музаккар, ғоиб, маълум феъли мозий.

ضَرَبُوا - урдилар кўп эрлар ўтган замонда, жамъ, музаккар, ғоиб, маълум феъли мозий.

ضَرَبَتْ - урди бир аёл ўтган замонда, муфрад, муаннас, ғоиб, маълум феъли мозий.

ضَرَبَتَا - урди икки аёл ўтган замонда, тасния, муаннас, ғоиб, маълум феъли мозий.

ضَرَبْنَ - урдилар кўп аёллар ўтган замонда, жамъ, муаннас, ғоиб, маълум феъли мозий.

6 мухотабнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

ضَرَبْتَ - урдинг бир эр ўтган замонда, муфрад, музаккар, мухотаб, маълум феъли мозий.

ضَرَبْتُمَا - урдингиз икки эр ўтган замонда, тасния, музаккар, мухотаб, маълум феъли мозий.

ضَرَبْتُمْ - урдингиз кўп эрлар ўтган замонда, жамъ, музаккар, мухотаб, маълум феъли мозий.

ضَرَبْتِ - урдинг бир аёл ўтган замонда, муфрад, муаннас, мухотаб, маълум феъли мозий.

ضَرَبْتُمَا - урдингиз икки аёл ўтган замонда, тасния, муаннас, мухотаб, маълум феъли мозий.

ضَرَبْتُنَّ - урдингиз кўп аёллар ўтган замонда, жамъ, муаннас, мухотаб, маълум феъли мозий.

Мутакаллим 2 сийғада - муфрад ва маъал ғойр (ўзга билан бирга):

ضَرَبْتُ - урдим мен бир эр ё аёл ўтган замонда, муфрад, мутакаллим, маълум феъли мозий.

ضَرَبْنَا - урдик биз кўп эр ё аёллар ўтган замонда, мутакаллим маъалғойр, маълум феъли мозий.

Мажхул феъли мозий

❖ Қилувчиси зикр қилинмайдиган феъллар **мажхул феъллар** деб аталади. Мозий феълидан мажхуллик нисбати яшаш учун охиргидан олдинги ҳарфи касралади қилинади, ундан олдинги барча ҳаракатли ҳарфлар заммали қилинади: ضَرَبَ → ضَرَبَ → ضَرَبَ каби.

❖ Мажхул феъли мозий ҳам маълум феъли мозий каби 14 суратда - 6 ғойб, 6 мухотаб ва 2 мутакаллим сийғасида тусланади.

6 ғойбнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

ضَرَبَ - урилди бир эр ўтган замонда, муфрад, музаккар, ғойб, мажхул феъли мозий.

ضَرَبَا - урилди икки эр ўтган замонда, тасния, музаккар, ғойб, мажхул феъли мозий.

ضُرْبُوا - урилди кўп эрлар ўтган замонда, жамъ, музаккар, ғоиб, мажҳул феъли мозий.

ضُرْبَتْ - урилди бир аёл ўтган замонда, муфрад, муаннас, ғоиб, мажҳул феъли мозий.

ضُرْبَتَا - урилди икки аёл ўтган замонда, тасния, муаннас, ғоиб, мажҳул феъли мозий.

ضُرْبِينَ - урилди кўп аёллар ўтган замонда, жамъ, муаннас, ғоиб, мажҳул феъли мозий.

6 мухотабнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

ضُرْبَتْ - урилдинг бир эр ўтган замонда, муфрад, музаккар, мухотаб, мажҳул феъли мозий.

ضُرْبَيْمًا - урилдингиз икки эр ўтган замонда, тасния, музаккар, мухотаб, мажҳул феъли мозий.

ضُرْبَيْكُمْ - урилдингиз кўп эрлар ўтган замонда, жамъ, музаккар, мухотаб, мажҳул феъли мозий.

ضُرْبَتْ - урилдинг бир аёл ўтган замонда, муфрад, муаннас, мухотаб, мажҳул феъли мозий.

ضُرْبَيْمًا - урилдингиз икки аёл ўтган замонда, тасния, муаннас, мухотаб, мажҳул феъли мозий.

ضُرْبَيْنَّ - урилдингиз кўп аёллар ўтган замонда, жамъ, муаннас, мухотаб, мажҳул феъли мозий.

Мутакаллим 2 сийғада - муфрад ва маъал ғойр (ўзга билан бирга):

ضُرْبْتُ - урилдим мен бир эр ё аёл ўтган замонда, муфрад, мутакаллим, мажҳул феъли мозий.

ضُرْبْنَا - урилдик кўп эр ё аёллар ўтган замонда, мутакаллим маъалғойр, мажҳул феъли мозий.

Маълум феъли музореъ

❖ **Музореъ** - ҳозирги-келаси замон феълидир. Феъли музореъдан тушунилган иш-ҳаракат шу сўз айтилган замонда

бажарилаётганини ёки кейин бажарилишини англатади. Маълум феъли музореъ иш-ҳаракатни бажарувчи шахсларига кўра 14 суратда - 6 ғоиб, 6 мухотаб ва 2 мутакаллим сийғасида тусланади.

6 ғоибнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

يَضْرِبُ - уради бир эр келаси замонда, муфрад, музаккар, ғоиб, маълум феъли музореъ.

يَضْرِبَانِ - уради икки эр келаси замонда, тасния, музаккар, ғоиб, маълум феъли музореъ.

يَضْرِبُونَ - урадилар кўп эрлар келаси замонда, жамъ, музаккар, ғоиб, маълум феъли музореъ.

تَضْرِبُ - уради бир аёл келаси замонда, муфрад, муаннас, ғоиб, маълум феъли музореъ.

تَضْرِبَانِ - уради икки аёл келаси замонда, тасния, муаннас, ғоиб, маълум феъли музореъ.

يَضْرِبْنَ - урадилар кўп аёллар келаси замонда, жамъ, муаннас, ғоиб, маълум феъли музореъ.

6 мухотабнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

تَضْرِبُ - урасан бир эр келаси замонда, муфрад, музаккар, мухотаб, маълум феъли музореъ.

تَضْرِبَانِ - урасиз икки эр келаси замонда, тасния, музаккар, мухотаб, маълум феъли музореъ.

تَضْرِبُونَ - урасиз кўп эрлар келаси замонда, жамъ, музаккар, мухотаб, маълум феъли музореъ.

تَضْرِبِينَ - урасан бир аёл келаси замонда, муфрад, муаннас, мухотаб, маълум феъли музореъ.

تَضْرِبَانِ - урасиз икки аёл келаси замонда, тасния, муаннас, мухотаб, маълум феъли музореъ.

تَضْرِبْنَ - урасиз кўп аёллар келаси замонда, жамъ, муаннас, мухотаб, маълум феъли музореъ.

Мутакаллим 2 сийғада - муфрад ва маълал ғойр (ўзга билан бирга):

أَضْرَبُ - ураман мен бир эр ё аёл келаси замонда, муфрад, мутакаллим, маълум феъли музореъ.

نَضْرَبُ - урамиз кўп эр ё аёллар келаси замонда, мутакаллим маълалғойр, маълум феъли музореъ.

Мажхул феъли музореъ

❖ Музореъ феълени мажхулга айлантириш учун охиргидан олдинги ҳарфи фатҳа қилинади ва музораъат ҳарфи замма билан айтилади: يَضْرَبُ → يُضْرَبُ каби. Музораъат ҳарфлари музореънинг аввалида келувчи ҳарфлар бўлиб, ا ت ي ن (алиф, те, ё, нун)дан иборатдир. Мажхул феъли музореъ 14 суратда - 6 ғойб, 6 мухотаб ва 2 мутакаллим сийғасида тусланади.

6 ғойбнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

يُضْرَبُ - урилади бир эр келаси замонда, муфрад, музаккар, ғойб, мажхул феъли музореъ.

يُضْرَبَانِ - урилади икки эр келаси замонда, тасния, музаккар, ғойб, мажхул феъли музореъ.

يُضْرَبُونَ - уриладилар кўп эрлар келаси замонда, жамъ, музаккар, ғойб, мажхул феъли музореъ.

تُضْرَبُ - урилади бир аёл келаси замонда, муфрад, муаннас, ғойб, мажхул феъли музореъ.

تُضْرَبَانِ - урилади икки аёл келаси замонда, тасния, муаннас, ғойб, мажхул феъли музореъ.

يُضْرَبْنَ - уриладилар кўп аёллар келаси замонда, жамъ, муаннас, ғойб, мажхул феъли музореъ.

6 мухотабнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

ثَضْرَبُ - уриласан бир эр келаси замонда, муфрад, музаккар, мухотаб, мажхул феъли музореъ.

ثَضْرَبَانِ - уриласиз икки эр келаси замонда, тасния, музаккар, мухотаб, мажхул феъли музореъ.

ثَضْرُبُونَ - уриласиз кўп эрлар келаси замонда, жамъ, музаккар, мухотаб, мажхул феъл музореъ.

ثَضْرَبِينَ - уриласан бир аёл келаси замонда, муфрад, муаннас, мухотаб, мажхул феъли музореъ.

ثَضْرَبَانِ - уриласиз икки аёл келаси замонда, тасния, муаннас, мухотаб, мажхул феъли музореъ.

ثَضْرُبْنَ - уриласиз кўп аёллар келаси замонда, жамъ, муаннас, мухотаб, мажхул феъли музореъ.

Мутакаллим 2 сийғада - муфрад ва маъал ғойр (ўзга билан бирга):

أَضْرَبُ - уриламани мен бир эр ё аёл келаси замонда, муфрад, мутакаллим, мажхул феъли музореъ.

نَضْرَبُ - уриламиз кўп эр ё аёллар келаси замонда, мутакаллим маъалғойр, мажхул феъли музореъ.

И с м и ф о и л

❖ **Исми фоил** - иш-ҳаракатни қилувчи маъносидаги исмдир. Исми фоил сулосий мужаррадда **فاعِلٌ** вазнида бўлади: **ضَارِبٌ** ва **قَاتِلٌ** каби. Сулосий мужаррадан бошқа боблар исми фоили музореъ феълидан ясалади. Бунинг учун музораъат ҳарфининг ўрнига заммали мим қўйилади ҳамда охириги ҳарфидан олдинги ҳарф касралади қилинади: **يُكْرِمُ** → **مُكْرِمٌ** ва **يُذَخِّرُ** → **مُذَخِّرٌ** ва **يَنْذِرُ** → **مُنْذِرٌ** каби.

Исми фоил 6 сийғада бўлиб, 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

ضَارِبٌ - урувчи бир эркак, муфрад, музаккар, исми фоил.

ضَارِبَانِ - урувчи икки эркак, тасния, музаккар, исми фоил.

ضَارِبُونَ - урувчи кўп эркаклар, жамъ, музаккар, исми фоил.

ضَارِبَةٌ - урувчи бир аёл, муфрад, муаннас, исми фоил.

ضَارِبَتَانِ - урувчи икки аёл, тасния, муаннас, исми фоил.

ضَارِبَاتٌ - урувчи кўп аёл, жамъ, муаннас, исми фоил.

И с м и м а ф ъ у л

❖ Устига иш-ҳаракат тушган нарсани ифодалаш учун масдардан ясалган сўз **исми мафъул** дейилади. Исми мафъул сулосий мужаррадда **مَفْعُولٌ** вазнида бўлади: **مَضْرُوبٌ** ва **مَقْتُولٌ** каби. Сулосий мужаррадан бошқаларда исми мафъул музореъ феълининг мажҳулидан ясалади. Бунинг учун музораъат ҳарфи ўрнига заммали мим қўйилади ва охиргидан олдинги ҳарфи фатҳали бўлади: **يُكْرَمُ** → **مُكْرَمٌ** ва **يُذَخَّرُ** → **مُذَخَّرٌ** каби.

Исми мафъул 6 сийғада бўлиб, 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

مَضْرُوبٌ - урилувчи бир эркак, муфрад, музаккар, исми мафъул.

مَضْرُوبَانِ - урилувчи икки эркак, тасния, музаккар, исми мафъул.

مَضْرُوبُونَ - урилувчи кўп эркаклар, жамъ, музаккар, исми мафъул.

مَضْرُوبَةٌ - урилувчи бир аёл, муфрад, муаннас, исми мафъул.

مَضْرُوبَتَانِ - урилувчи икки аёл, тасния, муаннас, исми мафъул.

مَضْرُوبَاتٌ - урилувчи кўп аёллар, жамъ, муаннас, исми мафъул.

М а ъ л у м ф е ъ л и ж а ҳ д

❖ Феъли жаҳд - ўтган замон бўлишсиз феълидир. Маълум феъли жаҳд 14 суратда - 6 ғоиб, 6 мухотаб ва 2 мутакаллим сийғасида тусланади.

6 ғоибнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

لَمْ يَضْرِبْ - урмади бир эр ўтган замонда, муфрад, музаккар, ғоиб, маълум феъли жаҳд.

لَمْ يَضْرِبَا - урмади икки эр ўтган замонда, тасния, музаккар, ғоиб, маълум феъли жаҳд.

لَمْ يَضْرِبُوا - урмадилар кўп эрлар ўтган замонда, жамъ, музаккар, ғоиб, маълум феъли жаҳд.

لَمْ تَضْرِبْ - урмади бир аёл ўтган замонда, муфрад, муаннас, ғоиб, маълум феъли жаҳд.

لَمْ تَضْرِبَا - урмади икки аёл ўтган замонда, тасния, муаннас, ғоиб, маълум феъли жаҳд.

لَمْ يَضْرِبْنَ - урмадилар кўп аёллар ўтган замонда, жамъ, муаннас, ғоиб, маълум феъли жаҳд.

6 мухотабнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

لَمْ تَضْرِبْ - урмадинг бир эр ўтган замонда, муфрад, музаккар, мухотаб, маълум феъли жаҳд.

لَمْ تَضْرِبَا - урмадингиз икки эр ўтган замонда, тасния, музаккар, мухотаб, маълум феъли жаҳд.

لَمْ يَضْرِبُوا - урмадингиз кўп эрлар ўтган замонда, жамъ, музаккар, мухотаб, маълум феъли жаҳд.

لَمْ تَضْرِبِي - урмадинг бир аёл ўтган замонда, муфрад, муаннас, мухотаб, маълум феъли жаҳд.

لَمْ تَضْرِبَا - урмадингиз икки аёл ўтган замонда, тасния, муаннас, мухотаб, маълум феъли жаҳд.

لَمْ يَضْرِبْنَ - урмадингиз кўп аёллар ўтган замонда, жамъ, муаннас, мухотаб, маълум феъли жаҳд.

Мутакаллим 2 сийғада - муфрад ва маъал ғойр (ўзга билан бирга):

لَمْ أَضْرِبْ - урмадим мен бир эр ё аёл ўтган замонда, муфрад, мутакаллим, маълум феъли жаҳд.

لَمْ نَضْرِبْ - урмадик кўп эр ё аёллар ўтган замонда, мутакаллим маъалғойр, маълум феъли жаҳд.

Мажхул феъли жаҳд

- ❖ Маълум феъли жаҳдни мажхул қилиш учун охирги ҳарфидан олдинги ҳарф фатҳали, ҳарфи музораъат эса заммали қилинади: لَمْ

يَضْرِبُ → لَمْ يُضْرَبْ каби. Мажхул феъли жаҳд 14 суратда - 6 ғоиб, 6 мухотаб ва 2 мутакаллим сийғасида тусланади.

6 ғоибнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

لَمْ يُضْرَبْ - урилмади бир эр ўтган замонда, муфрад, музаккар, ғоиб, мажхул феъли жаҳд.

لَمْ يُضْرَبَا - урилмади икки эр ўтган замонда, тасния, музаккар, ғоиб, мажхул феъли жаҳд.

لَمْ يُضْرَبُوا - урилмадилар кўп эрлар ўтган замонда, жамъ, музаккар, ғоиб, мажхул феъли жаҳд.

لَمْ تُضْرَبْ - урилмади бир аёл ўтган замонда, муфрад, муаннас, ғоиб, мажхул феъли жаҳд.

لَمْ تُضْرَبَا - урилмади икки аёл ўтган замонда, тасния, муаннас, ғоиб, мажхул феъли жаҳд.

لَمْ يُضْرَبْنَ - урилмадилар кўп аёллар ўтган замонда, жамъ, муаннас, ғоиб, мажхул феъли жаҳд.

6 мухотабнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

لَمْ تُضْرَبْ - урилмадинг бир эр ўтган замонда, муфрад, музаккар, мухотаб, мажхул феъли жаҳд.

لَمْ تُضْرَبَا - урилмадингиз икки эр ўтган замонда, тасния, музаккар, мухотаб, мажхул феъли жаҳд.

لَمْ تُضْرَبُوا - урилмадингиз кўп эрлар ўтган замонда, жамъ, музаккар, мухотаб, мажхул феъли жаҳд.

لَمْ تُضْرَبِي - урилмадинг бир аёл ўтган замонда, муфрад, муаннас, мухотаб, мажхул феъли жаҳд.

لَمْ تُضْرَبَا - урилмадингиз икки аёл ўтган замонда, тасния, муаннас, мухотаб, мажхул феъли жаҳд.

لَمْ تُضْرَبْنَ - урилмадингиз кўп аёллар ўтган замонда, жамъ, муаннас, мухотаб, мажхул феъли жаҳд.

Мутакаллим 2 сийғада - муфрад ва маъал ғойр (ўзга билан бирга):

لَمْ أُضْرَبْ - урилмадим мен бир эр ё аёл ўтган замонда, муфрад, мутакаллим, мажхул феъли жаҳд.

لَمْ يُضْرَبْ - урилмадик кўп эр ё аёллар ўтган замонда, мутакаллим маъалғойр, мажхул феъли жаҳд.

Маълум феъли нафий

❖ Феъли нафий музореънинг бўлишсиз шаклидир. Маълум феъли нафий 14 суратда - 6 ғоиб, 6 мухотаб ва 2 мутакаллим сийғасида тусланади.

6 ғоибнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

لا يُضْرَبُ - урмайди бир эр келаси замонда, муфрад, музаккар, ғоиб, маълум феъли нафий.

لا يُضْرَبَانِ - урмайди икки эр келаси замонда, тасния, музаккар, ғоиб, маълум феъли нафий.

لا يُضْرَبُونَ - урмайдилар кўп эрлар келаси замонда, жамъ, музаккар, ғоиб, маълум феъли нафий.

لا تُضْرَبُ - урмайди бир аёл келаси замонда, муфрад, муаннас, ғоиб, маълум феъли нафий.

لا تُضْرَبَانِ - урмайди икки аёл келаси замонда, тасния, муаннас, ғоиб, маълум феъли нафий.

لا يُضْرَبُونَ - урмайдилар кўп аёллар келаси замонда, жамъ, муаннас, ғоиб, маълум феъли нафий.

6 мухотабнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

لا تُضْرَبُ - урмайсан бир эр келаси замонда, муфрад, музаккар, мухотаб, маълум феъли нафий.

لا تُضْرَبَانِ - урмайсиз икки эр келаси замонда, тасния, музаккар, мухотаб, маълум феъли нафий.

لا تُضْرَبُونَ - урмайсиз кўп эрлар келаси замонда, жамъ, музаккар, мухотаб, маълум феъли нафий.

لا تُضْرَبِينَ - урмайсан бир аёл келаси замонда, муфрад, муаннас, мухотаб, маълум феъли нафий.

لا تُضْرَبَانِ - урмайсиз икки аёл келаси замонда, тасния, муаннас, мухотаб, маълум феъли нафий.

لا تُضْرِبَنَّ - урмайсиз кўп аёллар келаси замонда, жамъ, муаннас, мухотаб, маълум феъли нафий.

Мутакаллим 2 сийғада - муфрад ва маъал ғойр (ўзга билан бирга):

لا أُضْرِبُ - урмайман мен бир эр ё аёл келаси замонда, муфрад, мутакаллим, маълум феъли нафий.

لا تُضْرِبُ - урмаймиз кўп эр ё аёллар келаси замонда, мутакаллим маъалғойр, маълум феъли нафий.

Мажхул феъли нафий

❖ Феъли нафийни мажхулга айлантириш учун охиргидан олдинги ҳарфи фатҳа қилинади ва музораъат ҳарфи замма билан айтилади: لا يُضْرَبُ → لا يَضْرِبُ каби. Мажхул феъли музореъ 14 суратда - 6 ғойб, 6 мухотаб ва 2 мутакаллим сийғасида тусланади.

6 ғойбнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

لا يُضْرَبُ - урилмайди бир эр келаси замонда, муфрад, музаккар, ғойб, мажхул феъли нафий.

لا يُضْرَبَانِ - урилмайди икки эр келаси замонда, тасния, музаккар, ғойб, мажхул феъли нафий.

لا يُضْرَبُونَ - урилмайди кўп эрлар келаси замонда, жамъ, музаккар, ғойб, мажхул феъли нафий.

لا تُضْرَبُ - урилмайди бир аёл келаси замонда, муфрад, муаннас, ғойб, мажхул феъли нафий.

لا تُضْرَبَانِ - урилмайди икки аёл келаси замонда, тасния, муаннас, ғойб, мажхул феъли нафий.

لا يُضْرَبْنَ - урилмайди кўп аёллар келаси замонда, жамъ, муаннас, ғойб, мажхул феъли нафий.

6 мухотабнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

لا تُضْرَبُ - урилмайсан бир эр келаси замонда, муфрад, музаккар, мухотаб, мажхул феъли нафий.

لا تُضْرَبَان - урилмайсиз икки эр келаси замонда, тасния, музаккар, мухотаб, мажхул феъли нафий.

لا تُضْرَبُونَ - урилмайсиз кўп эрлар келаси замонда, жамъ, музаккар, мухотаб, мажхул феъли нафий.

لا تُضْرَبِينَ - урилмайсан бир аёл келаси замонда, муфрад, муаннас, мухотаб, мажхул феъли нафий.

لا تُضْرَبَان - урилмайсиз икки аёл келаси замонда, тасния, муаннас, мухотаб, мажхул феъли нафий.

لا تُضْرَبِينَ - урилмайсиз кўп аёллар келаси замонда, жамъ, муаннас, мухотаб, мажхул феъли нафий.

Мутакаллим 2 сийғада - муфрад ва маъал ғойр (ўзга билан бирга):

لا أُضْرَبُ - урилмайман мен бир эр ё аёл келаси замонда, муфрад, мутакаллим, мажхул ф нафеъли

لا تُضْرَبُ - урилмаймиз кўп эр ё аёллар келаси замонда, мутакаллим маъалғойр, мажхул феъли нафеъли

Феъли амр

- ❖ Феъли амр икки қисм: ломсиз амр ва ломли амр. Ломсиз амр маълум феъли музореънинг олти мухотаб сийғасидан икки амал билан ясалади:

1-амал - калиманинг охирига қаралади:

а) охирги ҳарф саҳиҳ бўлса сокин қилинади: تُضْرَبُ → تُضْرَبُ каби.

б) охирги ҳарфдан олдингиси иллат ҳарфи бўлса, уни олиб ташланади: تَقُولُ → تَقُلْ .

ж) калиманинг охирги ҳарфи иллат ҳарфи бўлса, уни олиб ташланади: تَرْمِيُ → تَرْمُ каби.

д) калиманинг охири ташдидли бўлса айна заммали бобдан (يَفْعُلُ) бўлса, тўрт хил ўқишлик жоиз: تَشُدُّ - تَشَدَّ - تَشُدُّ - تَشُدُّ каби. Агар

айни касрали ёки фатҳали бобдан бўлса, уч хил ўқиш мумкин:
تَقْرُرُ - تَقْرُرٌ - تَقْرُرٌ каби.

2 - амал:

а) музораъат ҳарфлари (ا ت ي ن) олиб ташланади. Музораъат ҳарфидан кейинги ҳарф ҳаракатли бўлса шу кўйича қолади: تَقُولُ → تَقُلُّ → قُلُّ каби.

б) агар музораъат ҳарфидан кейинги ҳарф сокин бўлса, феъл айна заммали бобдан бўлса, унинг олдига заммали ҳамза олиб келинади: تَنْصُرُ → نَصُرُ → نُصِرُ → أَنْصُرُ каби.

ж) агар феъл айна заммали бобдан бўлмаса, унинг олдига касрали ҳамза келтирилади: اضْرِبُ → تَضْرِبُ → ضْرِبُ → اضْرِبُ ва عِلْمٌ → تَعْلَمُ → عَلِمَ → اِعْلَمُ каби.

д) агар феъл айна -فَعْلٌ- يُفَعْلُ бобидан бўлса, музораъат ҳарфини ташлагач, кейинги ҳарф ҳоҳ ҳаракатли бўлсин, ҳоҳ сокин бўлсин, фатҳали ҳамза олиб келинади: نُكْرِمُ → تُكْرِمُ → كَرِمٌ → اَكْرِمُ ёки قِمٌّ → تُقِمُّ → قِمٌّ → اَقِمُّ каби.

Ломсиз амр 6 сийғада тусланади:

اضْرِبْ - ургин сен бир эркак, муфрад, музаккар, ломсиз амр.

اضْرِبَا - уринг сиз икки эркак, тасния, музаккар, ломсиз амр.

اضْرِبُوا - уринглар сиз кўп эркаклар, жамъ, музаккар, ломсиз амр.

اضْرِبِي - ургин сен бир аёл, муфрад, муаннас, ломсиз амр.

اضْرِبَا - уринг сиз икки аёл, тасния, муаннас, ломсиз амр.

اضْرِبِينَ - уринглар сиз кўп аёллар, жамъ, муаннас, ломсиз амр.

❖ Ломли амр маълум феъли музореънинг 6 ғоиб ва 2 мутакаллим сийғасидан олинади. 1-амал қилинган, феълнинг олдига касрали лом олиб келинади: يَضْرِبُ → يَضْرِبْ → لِيَضْرِبْ каби.

لِيَضْرِبْ - урсин бир эркак, муфрад, музаккар, ломли амр.

لِيَضْرِبَا - урсин икки эркак, тасния, музаккар, ломли амр.

لِيَضْرِبُوا - урсин кўп эркаклар, жамъ, музаккар, ломли амр.

لِيَضْرِبِي - урсин бир аёл, муфрад, муаннас, ломли амр.

لِيَضْرِبَا - урсин икки аёл, тасния, муаннас, ломли амр.

لَيَضْرِبَنَّ - урсин кўп аёллар, жамъ, муаннас, ломли амр.

لَاضْرِبُ - урай мен бир эр ё аёл, муфрад, мутакаллим, ломли амр.

لَيَضْرِبُ - урайлик биз кўп эр ё аёллар, жамъ, мутакаллим маъалғойр,
ломли амр.

Мажхул ломли амр

- ❖ Маълум ломли амрни мажхул қилиш учун охирги ҳарфидан олдинги ҳарф фатҳали, музораъат ҳарфи эса заммали қилинади:
لَيَضْرِبُ → لِيَضْرِبُ каби. Мажхул ломли амр 14 суратда - 6 мухотаб, 6 ғоиб ва 2 мутакаллим сийғаларида тусланади. Бунда мухотаб ғоибдан аввал келади.

6 мухотабнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

لَيَضْرِبُ - урилгин сен бир эр, муфрад, музаккар, мухотаб, мажхул
ломли амр.

لَيَضْرِبَا - урилинг сиз икки эр, тасния, музаккар, мухотаб, мажхул
ломли амр.

لَيَضْرِبُوا - урилингиз кўп эрлар, жамъ, музаккар, мухотаб, мажхул
ломли амр.

لَيَضْرِبِي - урилгин сен бир аёл, муфрад, муаннас, мухотаб, мажхул
ломли амр.

لَيَضْرِبَا - урилинг сиз икки аёл, тасния, муаннас, мухотаб, мажхул
ломли амр.

لَيَضْرِبَنَّ - урилингиз кўп аёллар, жамъ, муаннас, мухотаб, мажхул
ломли амр.

6 ғоибнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

لَيَضْرِبُ - урилсин бир эр, муфрад, музаккар, ғоиб, мажхул ломли амр.

لَيَضْرِبَا - урилсин икки эр, тасния, музаккар, ғоиб, мажхул ломли амр.

لَيَضْرِبُوا - урилсин кўп эрлар, жамъ, музаккар, ғоиб, мажхул ломли
амр.

لُضْرَبُ - урилсин бир аёл, муфрад, муаннас, ғоиб, мажхул ломли амр.

لُضْرَبَا - урилсин икки аёл, тасния, муаннас, ғоиб, мажхул ломли амр.

لُضْرَبَيْنَ - урилсин кўп аёллар, жамъ, муаннас, ғоиб, мажхул ломли амр.

Мутакаллим 2 сийғада - муфрад ва маъал ғойр (ўзга билан бирга):

لُضْرَبُ - урилай мен бир эр ё аёл, муфрад, мутакаллим, мажхул ломли амр.

لُضْرَبُ - урилайлик кўп эр ё аёллар, мутакаллим маъалғойр, мажхул ломли амр.

Маълум феъли наҳий

❖ Маълум феъли наҳий (таъқиқлаш феъли) 14 суратда - 6 мухотаб, 6 ғоиб ва 2 мутакаллим сийғаларида тусланади.

6 мухотабнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

لَا تُضْرَبُ - урмагин бир эр, муфрад, музаккар, мухотаб, маълум феъли наҳий.

لَا تُضْرَبَا - урмангиз икки эр, тасния, музаккар, мухотаб, маълум феъли наҳий.

لَا تُضْرَبُوا - урмангиз кўп эрлар, жамъ, музаккар, мухотаб, маълум феъли наҳий.

لَا تُضْرَبِي - урмагин бир аёл, муфрад, муаннас, мухотаб, маълум феъли наҳий.

لَا تُضْرَبَا - урмангиз икки аёл, тасния, муаннас, мухотаб, маълум феъли наҳий.

لَا تُضْرَبَيْنَ - урмангиз кўп аёллар, жамъ, муаннас, мухотаб, маълум феъли наҳий.

6 ғоибнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

لَا يَضْرَبُ - урмасин бир эр, муфрад, музаккар, ғоиб, маълум феъли наҳий.

لا يَضْرِبَا - урмасин икки эр, тасния, музаккар, ғоиб, маълум феъли наҳий.

لا يَضْرِبُوا - урмасин кўп эрлар, жамъ, музаккар, ғоиб, маълум феъли наҳий.

لا تَضْرِبْ - урмасин бир аёл, муфрад, муаннас, ғоиб, маълум феъли наҳий.

لا تَضْرِبَا - урмасин икки аёл, тасния, муаннас, ғоиб, маълум феъли наҳий.

لا يَضْرِبْنَ - урмасин кўп аёллар, жамъ, муаннас, ғоиб, маълум феъли наҳий.

Мутакаллим 2 сийғада - муфрад ва маъал ғойр (ўзга билан бирга):

لا أَضْرِبْ - урмай мен бир эр ё аёл, муфрад, мутакаллим, маълум феъли наҳий.

لا تَضْرِبْ - урмайлик кўп эр ё аёллар, мутакаллим маъалғойр, маълум феъли наҳий.

Мажхул феъли наҳий

- ❖ Маълум феъли наҳийни мажхул қилиш учун охирги ҳарфидан олдинги ҳарф фатҳали, музораъат ҳарфи эса заммали қилинади: لا تَضْرِبْ → لا تُضْرِبْ каби. Мажхул феъли наҳий 14 суратда - 6 мухотаб, 6 ғоиб ва 2 мутакаллим сийғасида тусланади.

6 мухотабнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

لا تُضْرِبْ - урилмагин сен бир эр, муфрад, музаккар, мухотаб, мажхул феъли наҳий.

لا تُضْرِبَا - урилмангиз икки эр, тасния, музаккар, мухотаб, мажхул феъли наҳий.

لا تُضْرِبُوا - урилмангиз кўп эрлар, жамъ, музаккар, мухотаб, мажхул феъли наҳий.

لا تُضْرِبِي - урилмагин бир аёл, муфрад, муаннас, мухотаб, мажхул феъли наҳий.

لا تُضْرَبَا - урилмангиз икки аёл, тасния, муаннас, мухотаб, мажхул феъли наҳий.

لا تُضْرَبْنَ - урилмангиз кўп аёллар, жамъ, муаннас, мухотаб, мажхул феъли наҳий.

6 ғоибнинг 3 таси музаккар, 3 таси муаннасдир:

لا يُضْرَبُ - урилмасин бир эр, муфрад, музаккар, ғоиб, мажхул феъли наҳий.

لا يُضْرَبَا - урилмасин икки эр, тасния, музаккар, ғоиб, мажхул феъли наҳий.

لا يُضْرَبُوا - урилмасин кўп эрлар, жамъ, музаккар, ғоиб, мажхул феъли наҳий.

لا تُضْرَبُ - урилмасин бир аёл, муфрад, муаннас, ғоиб, мажхул феъли наҳий.

لا تُضْرَبَا - урилмасин икки аёл, тасния, муаннас, ғоиб, мажхул феъли наҳий.

لا يُضْرَبْنَ - урилмасин кўп аёллар, жамъ, муаннас, ғоиб, мажхул феъли наҳий.

Мутакаллим 2 сийғада - муфрад ва маъал ғойр (ўзга билан бирга):

لا أُضْرَبُ - урилмай мен бир эр ё аёл, муфрад, мутакаллим, мажхул феъли наҳий.

لا تُضْرَبُ - урилмайлик кўп эр ё аёллар, мутакаллим маъалғойр, мажхул феъли наҳий.

И с м и з а м о н в а и с м и м а к о н

❖ Иш-ҳаракатнинг бажарилган ўрни ёки вақтини ифодалаш учун ўша феълдан ясалган от **исми замон ва макон** деб аталади. Исми замон ва макон сулосий мужарраднинг айна касрали **يَفْعَلُ** бобидаги феълларда ҳамда айна касрали бўлмаган мисолларда ҳам **مَفْعَلٌ** вазнида келади:

يَضْرِبُ → مَضْرِبٌ , يَعِدُ → مَوْعِدٌ , يَضَعُ → مَوْضِعٌ каби.

- ❖ Айни заммали ва фатҳали **يَفْعَلُ** ва **يَفْعَلُ** бобларида ҳамда айни касрали бўлса ҳам барча ноқисларда исми замон ва макон **مَفْعَلٌ** вазнида бўлади:

مَجِيٌّ → يَجُو , مَجْرِيٌّ → يَجْرِي , مَسْمَعٌ → يَسْمَعُ , مَكْتَبٌ → يَكْتُبُ
каби.

- ❖ Сулосий мужарраддан бошқаларда эса исми мафъули вазнида келади: **مُكْرَمٌ** → يُكْرِمُ ва **مُدْحَرَجٌ** → يُدْحِرُ каби.

Исми замон ва макон 3 сийғада тусланади:

مَضْرِبٌ - урадиган бир вақт ва жой, муфрад, исми замон ва макон.

مَضْرِبَانِ - урадиган икки вақт ва жой, тасния, исми замон ва макон.

مَضَارِبٌ - урадиган кўп вақт ва жойлар, жамъ, исми замон ва макон.

Мимли масдар

- ❖ Мим билан бошланган масдарлар **масдари мимий** деб аталади. У сулосий мужаррадда **مَفْعَلٌ** вазнида келади: **مَصْنَدٌ** (қайтмоқ), **مَسْمَعٌ** (эшитмоқ), **مَبْدَأٌ** (бошламоқ) каби.
- ❖ Сулосий мужарраддан бошқаларда эса исми мафъули вазнида келади: **مُكْرَمٌ**, **مُدْحَرَجٌ**, **مُتَدَحْرَجٌ** каби.

Исми олат

- ❖ Бир ишни бажаришда ишлатиладиган қурол ва асбоб номи **исми олат** дейилади. Исми олат сулосий мужаррадда **مَفْعَلٌ**, **مِفْعَالٌ** ва **مِفْعَلَةٌ** вазнларида келади: **مِسْطَرٌ**, **مِفْتَاحٌ** ва **مِكَئْسَةٌ** каби. Исми олат 3 сийғада тусланади:

مِضْرَابٌ - урадиган бир асбоб, муфрад, исми олат.

مِضْرَابَانِ - урадиган икки асбоб, тасния, исми олат.

مِضَارِيبٌ - урадиган кўп асбоблар, жамъ, исми олат.

И с м и т а ф з и л

❖ Бир сифатнинг бировда бошқага нисбатан ортиқроқлигини билдирган исм **исми тафзил** (қиёсий сифат) деб аталади.

Исми тафзил 6 сийғада тусланади:

أَضْرَبُ - урувчироқ бир эркак, муфрад, музаккар, исми тафзил.

أَضْرَبَانِ - урувчироқ икки эркак, тасния, музаккар, исми олат.

أَضْرَبُونَ - урувчироқ, кўп эркаклар, жамъ, музаккар, исми тафзил.

ضُرْبِي - урувчироқ бир аёл, муфрад, муаннас, исми тафзил.

ضُرْبِيَانِ - урувчироқ икки аёл, тасния, муаннас, исми тафзил.

ضُرْبِيَاتٌ - урувчироқ кўп аёллар, жамъ, муаннас, исми тафзил.



Калима, вазн

Исм ва феъл турлари

Иштиқоқ, жомид ва масдар исмлар

Феъл

Маълум феъли мозий

Мажхул феъли мозий

Маълум феъли музореъ

Мажхул феъли музореъ

Исми фоил

Исми мафъул

Маълум феъли жаҳд

Мажхул феъли жаҳд

Маълум феъли нафий

Мажхул феъли нафий

Феъли амр

Мажхул ломли амр

Маълум феъли наҳий

Мажхул феъли наҳий

Исми замон ва исми маконабий

Мимли масдар

Исми олат

Исми тафзил